

tion, small enterprises are one of the preferred forms of production in conditions of high risk.

Small enterprises are also very important in introducing technological innovations. In small business, which adopts new technological ideas faster than large enterprises, there is less risk and it is possible to start work faster than in large-scale production. This can help to develop scientific and technical progress in our conditions.

Small business and private entrepreneurship play an important role in ensuring the general development of the economy and eliminating the shortage of goods and services. The creation of a system of small enterprises in Uzbekistan in the conditions of rapid growth of labor resources and the uniqueness of the location of production creates the following opportunities:

- as a result of the introduction of free labor resources, new economic relations, the emergence of new forms of ownership, more involvement of persons released from production in social production, the emergence of new forms of ownership;

- raising the material, moral and professional level of the population, first of all, the youth;

- taking into account the slow mobility of the population, to bring industrial production closer to the places where the population lives and to fully satisfy the needs of the population for consumer goods;

- restoration of national and artistic crafts, as well as support for the development of small and medium-sized cities, rural settlements, and in general, increasing the efficiency of the economy, which is extremely important for each region.

### List of used literature

1. Decree No. PF-4853 of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 26, 2016 "On additional measures to activate and expand the activities of free economic zones".
2. Decision of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the activities of the fund for supporting the export of small businesses and private enterprises". Collection of documents of the Republic of Uzbekistan, 2016, No. 12, Article 110.
3. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 23, 2003 No. PF-3367 "On improving the mechanism of financial support for small businesses and private entrepreneurs".
4. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 24, 2003 "On measures to radically increase the share and importance of the private sector in the economy of Uzbekistan" No. PF-3202.
5. Khodiev B.Yu. Free market and entrepreneurship. – T.: "Science and Life", 2000, No. 2. Page 31.
6. Khodiev B.Yu. Strategy development business. – T.: "Business partner to Uzbekistan", 2000, #18. s. 5.
7. Eshov M. The main changes in the development of small business and private entrepreneurship // Economic Bulletin of Uzbekistan, 2002. #5–6. pp. 12–15.

## ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ БИЗНЕСНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Нарзуллаев Шодиёр Эшпулатович –  
Тошкент Давлат қтисодиёт Университети "Бизнесни бошқариш ва логистика кафедраси" асистенти

**Аннотация:** Ушбу мақола омадли бизнес яратишга эришишнинг самарали муҳитини кўллаб-кувватлаш борасидаги ҳар бир босқичини очиб беради. Иқтисодиётда тадбиркорлик субъектларининг бизнесга қушаётган ҳиссаси ва ташкилий, иқтисодий ҳамда замон талабларини ҳисобга олиб янги иш жойларни ташкиллаштиришнинг иқтисодий афзалликлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** бизнес, мувваффақият, ғоя, ташкил этиш, компания, креатив фикрлаш, тадбиркорлик фазилатлари, кичик бизнес, инновация, яратувчанлик, тижоратлаштириш, мувваффақият, иқтисодий ривожланиш.

**Кириш.** Бугунги кунда самарали бизнеснинг муваффақиятини яратиш учун етарли ресурс, иқтисодий шароитваманашу шароитни юзага келтирадиган мұхит зарур. Мамлакатимиз мисолида оладиган бўлсақ, сўнгги йилларда тадбиркорларга иқтисодий эркинликлар берилиши, бозорнинг очиқлиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, ишчи кучи, хомашё ҳаракати учун сунъий тўсиқлар йўқлиги, бозор инфратузилмаси мавжудлиги, тадбиркорни ҳимояловчи мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий кафолатлар таъминланганлиги ҳамда давлат томонидан уларга имтиёзлар берилиши **ижобий мұхитга мисол бўла олади**.

**Мана шу мұхитда** Инновацион ғояларни мақсадлияратиб, ишлабчиқаришгажорий этиш, аввало, ички бозорга кенг турдаги сифатли, рақобатбардош маҳсулот таклифини ошириш, қолаверса, аҳолини иш билан таъминлаш деганидир. Бунинг ортидан хизмат кўрсатиш ва етказиб бериш дастурларининг замонавий кўринишлари шаклланиб, рақамли иқтисодиёт ривожланишида мұхим аҳамиятга эга. **Миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш** учун бозорларга кенг ассортиментдаги янги сифатли, рақобатбардош замонавий товарлар ва маҳсулотларни таклиф этиш, етказиб бериш дастурларини шакллантириш давр талабидир. Бунинг учун рақобат мұхити зарур. Тадбиркорлик субъектлари қанча кўп бўлса, рақобат шу асосда шаклланиб бораверади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 20 август – тадбиркорлар куни этиб белгиланиши юртимиз тадбиркорлари учун оламшумул воқеага айланди. Ушбу кунда юртимида бизнес эгалари билан муаммоли масалаларни бартараф қилиш борасида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилади. Бизнес эгалари дуч келаётган муаммолар ва Ш.Э. Нарзуллаев. Тадбиркорлар билан очиқ мuloқot мақоласи "Янги Ўзбекистон" газетаси 05.08.2022 йилдаги № 158-сон 2-бет.

Таклифларга ечим топиш мақсадида Очиқ мuloқot олдидан давлат раҳбарига мурожаатлар қиладилар. Бу очиқ мuloқotда бизнесменлар ўз омадли бизнесларини яратишга эришишлари мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси** Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 22 август куни Тад-

биркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мuloқotда, тадбиркорлардан 8,5 мингдан (ўтган йили 15 мингдан) ортиқ савол, таклиф ва ташабbusлар келиб тушганлиги, шундан 72% ҳал этилганлиги ҳақида гапирап экан, унинг сўзларига кўра, Мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва қулаг ишбилармонлик мұхитини яратишга қаратилган 7 та йўналиш асосида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Дастурга кўра, кредитлар энди фақат сўмда берилиши, микромолия ташкилотлари учун енгилликлар, бизнес учун солиқ юкини камайтириш, ер сотиши ва хусусийлаштириш, инфратузилма яратиш, экспортёрларни қўллаб-қувватлаш, транспорт-логистика тизимини ривожлантириш ва тадбиркорликка оид тартибларни соддалаштириш йўналишларида қатор янгиликлари эълон қилинди. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари учун муаммоларга ечим топилиши, ўз омадли бизнесларини яратишда самарали мұхитни вужудга келтиришга хизмат қиласи.

Тадбиркорлар бу имкониятлардан чексиз фойдаланган ҳолда, ўз омадли бизнесларини яратар экан, унинг учун катта меҳнат ва ишончни талаб қиласи. Бунинг ортида биржада ёки тармоқ маркетингида қатнашиш борасида таклифлар ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Қандай қилиб пулсиз, товар ва ресурслариз бизненси бошлаш мумкин?

Бунинг иложи борми?

- Иложи бўлса, фақат сиздаги мавжуд ресурсларга янгича қараш керак.

Қандай қилиб бизнесингизни мувафақиятли бошлашингиз керак? Бу каби саволларга жавоб топиш учун, мавжуд имкониятларни баҳолаш билан бирга, билим (таълим), кўникмалар, иш тажрибаси, алоқалар, мижозларни ўрганиш ва вақтни талаб этади. Шунингдек бунга замонавий компьютер, телефон, машина (катта-кичик) кабиларни ҳам қўшиш керак. Гап шундаки, бошланғич капиталнинг фақатгина ўзи бизнесдаги муваффақиятини таъминламайди. Агарда "Омадли бизнес" муваффақиятининг ўлчови фақат қўйилган пул бўлса, унга эришиш анча осон бўлар эди. Демак, пулдан ташқари яна бир қанча ресурслар ҳам керак бўлади.

Масалан, хизматлар, савдо ёки ишлаб

чиқариш бўлиши мумкин? Ушбу соҳаларнинг ҳар бирида юзлаб ва минглаб ғоялар мавжуд. Бу ғоялар қанчалик оддий туюлмасин, уларни тижоратлаштириш муҳим саналади ва муваффақиятга эришиш учун бизнесмен ўз рецептидан тўлиқ фойдалана олиши керак бўлади.

**Адабиётлар таҳлили.** Иқтисодиётда бизнес фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р.Контильон, А.Тюрго, Ф.Кене, А.Смит ва Ж.Б. Сеи асарларида амалга оширила бошланган. Ҳозирги кунда бизнесни самарали бошқариш бўйича хорижий ҳамда маҳаллий олимлардан Климов П.А., Мовчан И.Н., Ермишина О.Ф., Михайлова Д.Г., Титова Н.С., Розумная Н.В., Хлобыстов М.В., С.С.Фуломов, Ё.Абдуллаев, Б.Ю. Ходиев, Р.С. Ходжаев, А. Эгамбердиевлар томонидан яратилган илмий ишларида ўрганилган.

**Бизнесмен**(тадбиркор) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у «Мулк эгаси» деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, – деб таъкидлайди.

Бироқ ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида «**Бизнес**» тушунчасининг кўп маънолилиги сақланиб келинмоқда. Ушбу тушунча “**бизнес ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборат фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш тизими**”<sup>1</sup>.

**Бизнес тушунчаси қачон, ким томонидан қандай вазиятда дастлаб ишлатилганлиги тўғрисида маълумотлар тарихий манбаларда деярли учратиш қийин.** “**Бизнес**” сўзи инглиз тилидан келиб чиқишига қараб, унинг ватанини Буюк Британия деб олишимиз ҳам мумкин. Яна бир асос XVIII-XIX асрлардаги саноат инқилоби, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт ҳам Буюк Британияда юз берганини ҳам мисол қилишимиз мумкин. Хорижий адабиётларда бизнес таърифини кўплаб тур-

лари мавжуддир. Инсоният жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жиҳатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлиб келган.

“Келажакнинг механизми ҳақида ҳеч нарса билмасдан бизнес бошлаш мумкин эмас. Фақат ҳамма нарсани билгандан кейин танланган соҳада ишлаш хусусиятлари, зарур кўникмаларга эга бўлиб, ўз бизнесингизни бошлашингиз мумкин”<sup>2</sup>.

“Бизнесдаги муваффақият – бу ўз мақсадларингизга эришиш қобилиятидир. Ҳар кимнинг ўзига хос хусусияти борлиги сабабли, атаманинг таърифи ва турли одамлар учун мезонлар ҳар хил бўлади. Худди шу сабабга кўра, сиз бирорнинг формуласини нусхалашга ўриниб, бирорнинг муваффақиятини такрорла маслигингиз керак”<sup>3</sup>.

**Тадқиқот методологияси.** Омадли бизнес бу нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки истеъмолчилар фаолиятини ҳам қамраб оладиган тизимдир. Омадли бизнеснинг долзарблиги, замонавий шароитда кўпчилик учун барча кўринишларда ҳаётга тўғридан-тўғри қўлай бизнесни ташкил этишни аниқлаштиришdir. Ташаббускор субъект ўз бизнесини муваффақиятли яратади, бироқ, тижоратлаштириш ва унинг олдида турган мураккаб масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифаларни бевосита ўзлаштира олишига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай муваффақиятли бизнес мақсад ва вазифаларни аниқлашдан бошланади. Уларга эришиш учун маълум бир вақт ва давр зарур бўлади.

Таҳлил ва натижалар. Омадли бизнес яратувчилари мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришга асосланади ва нарх-сифат ҳамда яхши хизматнинг энг яхши комбинациясини таклиф қила оладиган бизнесменлар юқори фойда олишга интилади. Шундай экан, омадли бизнес яратиш учун истеъмолчига қандай қиймат таклиф қилиш мумкинлигини тушуниш керак. Бундан ташқари, фақат сиз ва истеъмолчи ўртасидаги қийматни таъминлашингиз мумкин. Агар шундай орзуингиз бўлса сизнинг мақсадингиз ва

<sup>1</sup> Фуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т.: 2002й.

<sup>2</sup> Климов П.А., Мовчан И.Н. Создание собственного бизнеса//Инновационное развитие. 17) 12 № .2017). С. 49-46.

<sup>3</sup> Ильина И.Н., Шаталова О.И. Создание собственного бизнеса//Всборнике: Теоретические и практические аспекты научных исследований Сборник научных трудов поматериалам II ежегодной международной студенческой заочной научно-практической конференции. 2015. С. 19-15.

вазифангиз асосий бўлиши керак. Аксинча – кўпчилик томонидан муваффақиятсиз деб ҳисобланган ғоялар мавжуд, аммо уларни муваффақиятли амалга оширишнинг бир

қанча омиллари боғлиқ бўлади.

Муваффақиятли бизнес ғояларни излаш ва уларни танлашда қўйидаги асосий тўртта саволга жавоб бериш керак:

1	2	3	4
<b>Сизнинг бизнесингиз қандай маҳсулотни ишлаб чиқаради ёки қандай хизмат кўрсатишни амалга оширади?</b>	<b>Бу маҳсулотлар кимга сотилади ёки бу хизматлар кимга кўрсатилади?</b>	<b>Бу маҳсулотларни мижозларга қандай етказиб берасиз ёки уларга қандай хизмат кўрсатасиз?</b>	<b>Бу бизнес мижозларнинг қандай эҳтиёжларини қондиради?</b>

Бу саволларга жавоб излаш орқали, ўзингизнинг бизнес жойингизни топиш ва мижозларингизга қайси маҳсулот ёки хизматни таклиф қилишни ҳал қилингиз жуда муҳимдир. Замонавий бизнес муаммоларни ҳал қилишни эмас, балки ечимларни янгилаш билан боғлиқ усуллар ҳамда мижозларингизнинг эҳтиёжларига жавоб бериш зарурдир. Харидорлар ва уларнинг ишончини қозониш учун муваффақиятнинг асосий компоненти эканлигини аниқ кўрсатиш муҳимдир.

Кейинги вақтларда IT-соҳаси, Омадли бизнес яратишда меҳнат бозорида ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда. Кўпинча мутахассислар IT-соҳасига эътибор берилаётган мамлакатларга кўчиб ўтишади, бошқалари эса бошқа сабабни танлайдилар. Натижада, минтақада зарур ваколатлар ва шахсий фазилатларга эга бўлган мутахассисларга талаб ошиб боради. Ҳозирги кунда IT-соҳадаги мутахассислар сони 3000 дан ошганлиги маълум бўлди, шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимизда IT-соҳасининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқув дастурлари ривожлантирилиб борилмоқда. Ягона чиқиш йўли-ходимларни нолдан жалб қилиш ва ўқитиш тизимини кенгайтиришдир.


Омадли бизнес фақат энг ёмон шароитларни енгиди, бизнесда муваффақиятга эриша оладиган мустаҳкам бизнес стратегиясидир.

Бугунги кунда омадли бизнесни такомиллаштириш илмий, инновацион ғояларнинг янги моддий маҳсулотларини мақсадли равишда яратиб уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим ҳисобланади. Айниқса бу борада корхоналар то-

монидан ишлаб чиқариладиган арzon ва юқори самарали, энергия тежамкор харидоргир экологик тоза инновацион ғоявий ишланма маҳсулотларини тижоратлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу сабабли омадли бизнес фаолиятини ривожлантириш жараёнларига тўла эътибор ва устуворлик бериш талаб этилади. Шунингдек, энг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида, техника ва технологиялар, хизматлар шу тарзда пайдо бўлади.

Омадли бизнес яратишга эришиш кетма-кетлигини қўйидаги 1-расм орқали кўриш мумкин.



**1-расм. Омадли бизнес яратишга эришиш кетма-кетлиги<sup>4</sup>**

Омадли бизнес яратишга эришиш кетма-кетлиги. Бизнес (тадбиркорлик, аҳлоқий (халол рақобат, мижозларни алдамаслик), иқтисодий, сиёсий) муаммолари, бизнес ғоя, бозор таҳчили (бизнес режа, потенциал технология ва маҳсулотлар), бизнесни шакллантириш, молиялаштириш, маҳсулотни бозорга киритиш етказиб бериш ва сотиш, корхонани компания ёки инвесторга сотиш каби

<sup>4</sup> Муаллиф Ш.Э. Нарзуллаев томонидан ишлаб чиқилган.

кетма-кетликларни ўз ичига олган.

Муваффақиятли бизнес иқтисодиётни такомиллаштириш учун шароит яратиб, давлат бошқарувини концентрация қилишга ва марказлаштириш жараёнининг намоён бўлишига ёрдам беради.

**Омадли бизнесменлар йирик корпорациялар (компаниялар) ва корхоналарга асос солади ҳамда ўз ресурсларидан юқори даромад олиш имкониятига эга бўлади.**

Ҳар куни юзлаб бизнеслар пайдо бўлади. Уларнинг асосида кўплаб турли хил ғоя ва йўналишлар ётади. Бу бизнес ғояларни ҳудудимиздаги мавжуд бизнесларни таҳлил қилиш асосида бизнес ғояни танлаш лозим бўлади. Ишлаётган, таниш бизнесменлар билан суҳбатлашиш. Оммавий ахборот воситалари материалларини, интернет ресурсларини ўрганиш ва ҳ.к. Шунингдек ҳар бир омадли бизнесмен ўз барқарорлигини қўйидаги дастур бўйича чиқиндиларни йўқ қилиш билан бошланади!

1. Чиқиндиларни йўқ қилиш (ҳаражатларни тежаш ва ифлосланишини назорат қилиш) ўз-ўзидан етарли эмас, чунки ҳар қандай бизнес пулни тежаш орқали омон қолиши мумкин.

2. Муваффақиятга эришиш учун корхоналар ва бизнесменлар пул ишлашлари керак, шунинг учун ресурсларни кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи товарларни маҳаллийлаштириш (иқтисодиёт ёки идоралар) ҳам бирлашган бўлиши керак.

3. Ресурслар-ҳаёт манбаи, чунки у катта иқтисодий афзаликга эга ва бу жараён орқали маҳаллий аҳоли учун янги иш жойлар яратилади.

4. Менежерларни ўқитиш етарли эмас: агар ушбу маълумот ҳамма учун ёрқин тақдим этилмаса (яъни: қатнашмайдиган одамлар conferences ва кимнинг иш берувчилар йўқ – ёки бўлмайди – етарли таълим беради), бизнес барқарор келажак томон ҳаракат қилиш учун анча қийин бўлади.

5. Агар корхоналар ўзларининг рентабеллигини ошириш учун асосий барқарорлик тушунчаларини қўлласалар (чиқиндиларни йўқ қилиш ва ресурсларни кенгайтириш) шундагина деярли ҳар қандай минтаقا қўпроқ ресурсларни талаб қилмасдан ёки инфратузилмани кенгайтирасдан қўпроқ бизнесни жалб қилиши мумкин (бу қўшимча ва янги иш ўринлари-

ни яратади).

Бундан ташқари омадли бизнес фаолиятини самарали ривожлантириш учун қўйидаги 6 хил муҳим шарт-шароитлар талаб этилади:

1. Мулк муносабатларининг ўйғунлашуви. Бозор шароитида мулкий муносабатлар қўйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

→ эгалик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тўла хукумронлик қилиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;

→ фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тўлов эвазига мулқдан вақтингча фойдаланиш;

→ оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресрусларни тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш хуқуқини жорий этиш.

2. Тадбиркорларга ўз қобилиятини тула намоён этиш учун қўйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши муҳим саналади.

→ маҳсулот ассортименти турларини ва ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

→ ҳамкорларни мустақил танлаш;

→ маблағларни қонунга зид бўлмаган соҳаларга мустақил сарфлаш эркинлиги ва ҳ.к.

3. Бозорнинг очиқлиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, ишчи кучи, хом ашё ҳаракати учун сунъий ғояларнинг йўқлиги.

4. Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги. Бунга қўйидагилар киради:

→ тижорат банклари;

→ товар, фонд, меҳнат, валюта эркинлиги, биржалари;

→ тижорат таваккалчилиги ва мулк суғуртаси;

→ маълумот ва реклама манбалари, оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари;

→ эксперт бюrolари, сертификат марказлари, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва ҳ.к.

5. Тадбиркорлик учун хуқуқий кафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни ҳимояловчи қонунчиликнинг мавжудлиги.

6. Янги бизнес фаолиятларига кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва ҳ.к.

**Омадли бизнесменлар муваффақиятга эришиш учун жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишлар, бизнеснинг ғоявий ҳусусиятларига эга саноатга йўналтирилган инновацион бизнес-режалар, лойиҳалар, янги потенциал технологиялар, маҳсулотлар ва бошқа замонавий хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш жиҳатларига катта эътибор қаратиб келмоқдалар.**

Бугунги кунда, Ўзбекистон давлат ва жамият ҳаётининг барча бизнес соҳаларини тубдан янгилашга қаратар экан, замонавий инновацион илм-фан, техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига кенг қўллаган ҳолда муваффақиятли бизнеснинг инновацион салоҳиятини юксалтириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, омадли бизнесни ташкил этишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни амалга ошириш ва ривожлантириш омилларига боғлиқдир.

Замонавий тадбиркор учун қайси омиллар энг муҳим бўлиши мумкин?

Биринчиси, потенциал мижозларни топиш манбалари, яъни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардир.

Иккинчи муҳим нуқта – лойиҳанинг нарҳ сиёсати. Яъни яратиш эмас, балки таклиф этилаётган маҳсулотнинг ҳусусиятларини яхшилаш жуда муҳимдир. Мижозларни ҳар доим янги маҳсулотлар билан таъминлаш ва бизнесни амалга ошириш учун кичик камчиликларни қидиришдан кўра, катта янгиликларга кўпроқ вақт сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳақиқатан ҳам муваффақиятли бизнесда дастлаб муҳим ва устуворликни талаб қила-диган, ноёб савдо таклифи ҳақида қарор қабул қилиш аҳамиятлидир.

Ноёб маҳсулотлар ўзига хос рақобатчилардан фарқли ўлароқ, барча аналоглардан ажralиб турадиган ҳар хил турдаги маҳ-

сулотларни таклиф қилиш, етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва харидни амалга ошириш учун тўлаш зарур. Ноёб савдо таклифисиз, ҳатто муваффақиятли бизнес лойиҳаларига ҳам керакли фойда келтира олмайсиз.

Агар шундай бўладиган бўлса, унда бунга арзийдиган рекламалар режасини ва уларнинг мақсадларини кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, реклама қилишда барча тарғиботнинг замонавий усулларидан фойдаланиш керак. Улар бизнесингизнинг чегараларини ва имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириб боради. Буларсиз мижозларни топиш жуда қийин, бундан ташқари барча платформалардан тўлиқ фойдаланиш керак: шунингдек, маркетинг концепцияси, блог юритиш, уларга мақолалар ёзиш, ижтимоий тармоқлар ва тегишли мавзулар бўйича форумларда мулоқот қилиб бориш тажриба нуқтаи назарида муҳим саналади.

Булар ёрдами билан бизнесни ривожлантириш тезлиги сезиларли даражада ошади. Агар етарли маблағ мавжуд бўлса, тадбиркор юқори даражага эришиш эҳтимоли анча юқори бўлади ҳамда муваффақиятли бизнесга эришиш учун шароит яратиб, рақобатдан бир қадам олдинда бўлади.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида ёлғиз бизнес бошлаш қийин масала, шунинг учун жамоа бўлиб бизнес бошлаш жуда муҳимдир. Бунинг учун ижодий ва ҳақиқий бизнесга қизиқиши бор мутахассисларни танласа бизнеси муваффақиятли бўлади. Танланган бизнес иштирокчилари ўз ишларини профессионал тарзда бажарадилар ва ижобий муносабатни вужудга келтиради. Кўпинча бизнесда лойиҳанинг асосий хавф-хатарлари муваффақиятни режалаштирумаслик бизнесдаги энг муҳим хатолардан биридир. Шунинг учун омадли бизнесга эришишда сабрли бўлишлари керак ва мураккаблилик олдида таслим бўлмасликлари керак.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I.O'zbekiston Respublikasi qonunlari, Prezident farmonlari, qarorlari va ma'ruzaları, Vazirlar Mahkamasining qarorlari**

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T: O'zbekiston 2014 y. //www.lex.uz

2. O'zbekiston Respublikasining 2020 yil 24 iyulda «Innovatsion faoliyat to'g'risida» gi O'RQ-630-sonli Qonuni. <https://lex.uz/docs>

3. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2017 y. 6-son

4. «Innovatsion infratuzilmani (texnologiya parklari, texnologiyalarni tarqatish (texnologiyalar transferi) markazlari, innovatsion klasterlar, vechur jamg'armalari, biznes-inkubatorlar va boshqalarni) rivojlantirish» O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 29 oktabrda “Ilm-fan va ilmiy faoliyat to'g'risida”gi O'RQ-576-sonli Qonuni, <https://lex.uz/docs>

5. Sh.M.Mirziyoev. «Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birlashtirish barpo etamiz». O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq // Toshkent: O'zbekiston, 2016.-56 b.

6. “Ilmiy va innovatsion faoliyatni rivojlantirish bo'yicha davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-6198-sonli Farmoni, 01.04.2021 yil. //www.lex.uz

7. “Faol tadbirkorlik va innovatsion faoliyatni rivojlantirish uchun shart sharoitlarni yaratish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ 3697-sonli Qarori. 2018 yil 5 may. <https://lex.uz/docs/3723272>

8. 2021 yil 20 avgustdagi “Tadbirkorlar bilan o'chiq muloqot” учрашув маърузалари.

## II. Асосий адабиётлар

1. Фуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т.: 2002й.

2. Клинов П.А., Мовчан И.Н. Создание собственного бизнеса// Инновационное развитие. 2017. № 12 (17). С. 46-49.

3. Ильина И.Н., Шаталова О.И. Создание собственного бизнеса// Всборнике: Теоретические и практические аспекты научных исследований Сборник научных трудов поматериалам II ежегодной международной студенческой заочной научно-практической конференции. 2015. С. 15-19.

4. Jonathan T. Scott. Guide to Building a Successful Business 2017 (1)

5. See The Seven Spiritual Laws of Success: A Practical Guide to the Fulfillment of Your Dreams, by Deepak Chopra (San Rafael, Calif.: mber-Allen, 2005);

6. T.A.Tormesheva, Puti aktivizatsii innovatsionnoy deyatelnosti na baze biznes-inkubatorov i texnoparkov /T.A. Tormysheva //Innovatsii i investitsii. 2017.-№2-99-227s.

7. S.M.Vasin. Povysheniye effektivnosti upravleniya biznes-inkubatorom kak sotsialno-ekonomicheskoy sistemoy: monogr. / S. M. Vasin, L. A. Gamidullayeva. – Penza.: Izd-vo PGU, 2018. – 269 s.

8. “Small Business Administration” (<https://www.sba.gov/>). Small Business Administration. Retrieved 2019-12-07.

9. Markvar E. Biznes-inkubatorы v sisteme podderjki malogo biznesa: rossiyskiy i mejdunarodnyy orynt. M.: 2019. – 269 s.

## III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Ш. Нарзуллаев. Тадбиркорлар bilan o'chiq muloqot maqolasi. Янги Ўзбекистон газета. 05.08.2022 yil № 158-сон 2-бет.

2. Nurumbetov R. R. 25 Innovatsion salohiyat – zamonaviy iqtisodiyotni rivojlantirish poydevori. BIZNES-EKSPERT. 2017. №5. 46-56 b.

3. Gafurov U.V., Ubaydullayev A. Kichik biznesni mahalliy darajada qo'llab-quvvatlashda mahalliy dasturlarni ishlab chiqishning ahamiyati // To'plam:

4. Sh. Narzullayev. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida biznes inkubatorlarning innovatsion salohiyatini boshqarish. Iqtisodiyot va ta'lim / 2021 yil, 5-son. -322 b.

5. O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati. Statistik axborotnoma 2020. – 260 b.

6. Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi rasmiy sayti [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz).

## Интернет сайлар

1. <https://yuz.uz/news/tadbirkorlar-bilan-ochiq-muloqot-yaxshi-ananaga-aylandi>
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. www.gazeta.uz
3. uzsmart.uz> encyclope
4. <https://ebn.eu>.«EBN-innovation network»
5. www.api.uz (O'zbekiston matbuot va axborot agentligi veb sayti).
6. www.xabar.uz (jahon bankining "biznesni yuritish" reytingi veb sayti). КИЧИК БИЗНЕС

### ВАХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИ МАХСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОМИЛЛАРИ

*Онорбоев Ш.М. –  
ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
каптта ўқитувчиси e-mail:*

**Аннотация:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари махсулот рақобатбардошлигини ошириш мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг хамда ахолини иш билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб хисобланади. Махсулот рақобатбардошлиги ошириш бевосита унинг шароитларини ва омилларини шакллантириш орқали амалга оширилади. Ушбу омилларни тўғри аниқлаш ва гурухлаш муҳим вазифа бўлиб хисобланади. Одатда омиллар бир бири билан узвий боғланган бўлганлиги боис уларнинг бирининг ўзгариши қолганларининг хам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун махсулот рақобатбардошлиги омилларини тадқиқ этишда уларни ўзгаришларидан келиб чиқадиган оқибатларни баҳолаш, кутиладиган хатарларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқишига хам амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** Глобаллашув, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, рақобат, рақобатбардошлиқ омиллари, рақобатбардошлиқ критериялари омиллар классификацияси, истемолчилар, рақобатчилар, бозорлар.

**Abstract:** Povyshenie konkurentosposobnosti produktsii malogo biznesa i chastnogo predprinimatelstva schitaetsya odnim iz vajnykh sredstv sotsialno-ekonomicheskogo razvitiya strany, a takje obespecheniya zanyatosti i povysheniya blagosostoyaniya naseleniya. Povyshenie konkurentosposobnosti tovara osushchestvlyaetsya neposredstvenno za schet formirovaniya ego usloviy i faktorov. Pravilnaya identification and grouping etix factors yavlyaetsya vajnoy zadachey. Obychno faktori tesno svyazany drug s drugom, poetomu izmenenie odnogo iz nix privodit k izmeneniyu drugix. Poetomu pri izuchenii faktorov konkurentosposobnosti produktsii neobhodimo otsenivat posledstviya ix izmeneniya, razrabatyvat meropriyatiya po ustraneniyu ojidaemyx riskov.

**Keywords:** Globalization, small business and private entrepreneurship, competition, competitiveness factors, competitiveness criteria factor classification, consumers, competitors, markets.

**Аннотация:** Повышение конкурентоспособности продукции малого бизнеса и частного предпринимательства считается одним из важных средств социально-экономического развития страны, а также обеспечения занятости и повышения благосостояния населения. Повышение конкурентоспособности товара осуществляется непосредственно за счет формирования его условий и факторов. Правильная идентификация и группировка этих факторов является важной задачей. Обычно факторы тесно связаны друг с другом, поэтому изменение одного из них приводит к изменению других. Поэтому при изучении факторов конкурентоспособности продукции необходимо оценивать последствия их изменения, разрабатывать мероприятия по устранению ожидаемых рисков.